

**Иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт.**

Г.Алимова судга О.Мурадов ва бошқаларга нисбатан моддий ва маънавий зарар ундириш, ноқонуний эгаллаган ерни қайтариш, ариқдан фойдаланишга эркинлик яратиш ҳақидаги даъво талаблари билан мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 24 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгарлардан солидар тартибда 2.300.000 сўм моддий ва 500.000 сўм маънавий зарар ундирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 11 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 18 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган. Аниқланишича, Г.Алимова ва О.Мурадовнинг уйлари бир-бирига қўшни бўлиб, ўрталарида ариқ сувидан фойдаланиш масаласида доимий равишда низо бўлиб келган. Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2008 йил 9 сентябрдаги ажрими асосан О.Мурадовга нисбатан М.Алимовга тан жароҳати етказганлиги учун Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши 2008 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати

билан амнистия тўғрисида”ги қарорнинг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилиб, М.Алимовга етказилган зарарни ундириш бўйича фуқаролик судига мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилган. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича туман судининг 2008 йил 23 октябрдаги, 2009 йилнинг 23 июнь, 15 июль, 11, 17 сентябрь ҳамда 6 октябрдаги қарорларига кўра, тарафлар ўзаро уруш-жанжаллар натижасида ҳуқуқбузарлик содир этиб, маъмурий жавобгарликка тортилганлар. Г.Алимова даъво талабида отаси Т.Алимов ва акаси М.Алимовга зарар етказилганлигини билдирган бўлса-да, суд уларни тараф сифатида ишга жалб қилиш масаласини ҳал қилмаган.

Бундан ташқари суд фуқаролик ишини Содиқ ва Нодир Мурадовларнинг иштирокисиз Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддасига асосан кўриб, жавобгарлар суд мажлисининг жойи ва вақти ҳақида тегишли тартибда чақирув қоғозини олган бўлишига қарамасдан, судга келмаганлигини кўрсатган. Лекин суд ушбу ҳолатда Фуқаролик процессуал кодексининг 136-моддаси талабларида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мавжуд бўлгандагина иш бўйича қатнашиши лозим бўлган шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган деб ҳисоблаши мумкинлигига, ишда эса уларга судга чақирув қоғозлари топширилганлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд эмаслигига эътибор бермаган.

***ФСХ-71-11-сонли ажрим***

